КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

# САФЛАР МУСАФФОЛИГИ УЧУН

## КПСС САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Оқжўл боғбон, Бегажон эса молбоқар эди. Иккалови олдинма-кейин кандидатлик муддатини ўтаб партия аъзолигига қабул қилинишган эди. Ўшанда улар меҳнатда ҳам, юриш-туришда ҳам барчага намуна бўламиз, коммунист деган қутлуғ номга доғ туширмаймиз, деб қоп-қоп ваъдалар беришган эди.

Ҳамма гаплари ёлғон экан. Партия сафига аъзо бўлганларидан кейин ҳам юракларидаги ғайрат ўти аланга олмади. Коммунистлар томонидан берилган наказлар бажарилмади. Оғир ишнинг устида, енгил ишнинг остида юрганларича юравердилар. Бунинг устига коммунистик ахлоқ нормаларини ҳам буза бошладилар. Иккалови улфат бўлиб ичкиликка ружу қўйди. Кайф билан ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олишга одатланишди. Уларни тартибга чақирган коммунистларга, оддий колхозчиларга мушт ўқталиб, ёвқараш қилдилар.

Жанжалнинг бири шундай вазиятда келиб чиқди. Иковлари бир бўлиб айбсиз ҳамқишлоқларини арзимаган баҳоналар билан ўлар ҳолга келгунча калтакладилар. Шундан кейин хуморлари ёзилди. Кайфлари тарқаганда ўзларини қора курсида кўришди. Колхоз коммунистлари жиноятга қўл урган Оқжўл Ўролов билан Бегажон Қурунбоевни ўз сафларидан чиқаришга қарор қилдилар.

Бундан олдинроқ бўлиб ўтган партия йиғилишида бригада бошлиғи Жўмат Соттибоев билан бош зоотехник Илья Иванович Муннинг шахсий иши кўриб чиқилган эди. Улар давлатни алдаш йўлига ўтиб олган эдилар. Бу хуфёна ҳаракат кейинчалик маълум бўлди. Заводдан олинмаган чигитни олинди деб қалбаки актлар тузган найрангбозлар шулар экан. Бунинг устига йўқ одамлар номини ведомостларга ёзиб уларга тўланадиган иш ҳақини ўзлари олиб баҳам кўриб келишибди. Текширув давомида шунга ўхшаш бошқа қинғир ишлар ҳам очилиб қолди.

И. И. Мун ва Ж. Соттибоевларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари очиқ партия йиғилишида қаттиқ-қораланди. Сўзга чиққан коммунистлар бир овоздан уларни партия сафларидан ўчиришни ва ишларини тергов органларига ўтказишни таклиф этдилар. Бу принципиал баҳо эди.

— Шундай хунук воқеалардан сўнг партияга қабул қилиш ишларини яна ҳам такомиллаштириш, ёш коммунистларни тарбиялаш ишларини яхшилаш, сафларимизнинг софлиги учун тинмай курашиш лозимлигини ҳис этдик,— дейди Энгельс номли колхоз партия комитети секретари Жамантай Турсунов.— Партияга кириш истагини билдириб ариза ёзаётган ёшларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатларини қайта-қайта синаб кўрмоқдамиз, уларга рекомендация берувчилар масъулиятини оширмоқдамиз.

Ҳозир колхоз партия ташкилоти ҳисобида 98 коммунист бор. Уларнинг 5 нафари партия аъзолигига кандидатдир. Йил бошида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида коммунистлар клуб мудири Тамара Сафаровани партия аъзолигига кандидатликка қабул қилдилар. Тамарани колхозда ҳамма яхши танийди. Ўзи олий маълумотли мутахассис, қишлоқ ҳаётини яхши билади. Топширилган ҳамма ишни жондили билан бажаришга одатланган. Ташкилотчилигини айтмайсизми, дарров одамлар қалбига йўл топа олади.

Тамара партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинаётганида унинг олдига КПСС Марказий Комитетининг клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш юзасидан қабул қилган қарори асосида таъсирчан чоралар кўриш вазифаси қўйилди. Ҳақиқатан ҳам ўша кезларда клуб хизмати сезилмасди. Ондасонда бир марта кино қўйилмаса, бошқа пайтларда заллар ҳувиллаб турарди.

Коммунистлар берган наказ Тамаранинг активлиги ва ташаббускорлигини яна ҳам ошириб юборди. У клуб ходимлари билан бамаслаҳат бу йил ўтказиладиган тадбирлар планини ишлаб чиқди. Планларни бажаришда жамоатчиликка таянди. Улар ёрдамида энг аввало Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини қайта рўйхатга олди. Ветеранлар 53 нафар экан. Сўнг клубда уларнинг ёшлар билан қизиқарли учрашуви уюштирилди.

Бу тадбир ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини жонлантиришга ёрдам берди. Ёшлар ўз боболари босиб ўтган шонли йўл билан яна ҳам яқиндан танишдилар, уруш лавҳаларидан жонли ҳикоялар тингладилар, оталар ишига ҳамиша содиқ қолишга ваъда бердилар.

Шу куни учрашув қатнашчиларига янги программада концерт қўйиб берилди.

Орадан кўп ўтмай колхоз кўчаларида яна бир эълон пайдо бўлди. Унда колхозчилар «Оила ва никоҳ» мавзуида клубда тошкентлик бир группа олимлар ўтказадиган суҳбатга таклиф этилган эдилар.

Оилавий муаммолар кимни қизиқтирмайди, дейсиз. Учрашувга каттаю-кичик, ҳамма келди. Улар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходимлари Мунира Самархўжаева ва Дилором Зиёхонованинг суҳбатларини берилиб тингладилар, ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олдилар.

Тамара Сафарова «Билим» жамиятининг колхоздаги бошланғич ташкилотига раис этиб сайлангандан кейин тингловчилар талаб ва эҳтиёжини эринмай ўрганиб чиққан эди. Суҳбатлар чоғида одамлар айрим ёшларнинг оилавий муаммоларни ҳал этишга қийналаётганликларини, оқибатда тез-тез қўйди-чиқдилар пайдо бўлаётганлигини ташвишланиб гапирдилар. Ўшанда Тамара шу темани дафтарчасига ёзиб қўйган эди. Район марказига иш билан борганида «Билим» жамиятига кириб «Оила ва никоҳ» деган мавзуда лекция ўқувчи лекторлар юборишни сўраб заявка берди. Мана, шундан сўнг тошкентлик малакали юрист-олимлар колхозга ташриф буюришди.

Колхоз лекторлари кучи билан ҳам қизиқарли лекциялар ўтказилмоқда. Бундан олдинроқ ёшларни атеистик руҳда тарбиялаш бўйича колхоз раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Убайдулла Эрмекбоев лекция ўқиб берди. Яна бир лекция ёшларнинг ахлоқий тарбиясига бағишланди.

Ўқилаётган лекцияларнинг ҳаммасида бевосита колхоз ҳаётидан олинган мисоллар таҳлил қилинмоқда, конкрет шахсларнинг юриш-туришидаги ижобий ва салбий томонлар кўрсатилмоқда.

Спортга қизиққан ёшлар учун ҳам барча шароитлар яратилмоқда. Колхозда айниқса, футбол ишқибозлари кўп. Улар учун махсус стадион қуриб берилган. «Оқ олтин» кубоги учун ўтказилаётган область биринчилигида колхоз командаси муваффақиятли иштирок этиб, ярим финалга йўлланма олди.

Ҳозир партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинаётганларнинг асосий қисми комсомолда камол топган йигит-қизлардир. Абдуваҳоб Матўраев 9-бригада сувчиси эди. Пахта илмини шу ерда ўрганди, меҳнатда чиниқди. Мураббийлар маслаҳати билан кейин Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономлик факультетига ўқишга кирди. Ёшлар илғор тенгқурларини участка цех комсомол ташкилоти секретарлигига сайлашди. Меҳнатда ва жамоат ишларида ўзини кўрсатаётган Абдуваҳобни колхоз коммунистлари бу йил партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишди. Ҳозир у синов муддатидан муваффақиятли ўтаяпти.

Федор Астафуров ҳам комсмолдан партияга ўтган ёшларнинг бири. У фермада молбоқар бўлиб ишлайди. Парваришидаги сигирлар маҳсулдорлиги кун сайин ортиб бораяпти. Ўтган ойларда ферма ходимлари планга қўшимча 20 тонна сут топширишди. Бунда партия аъзолигига кандидат Федорнинг ҳам ҳиссаси бордир.

Партияга энг муносиблар танлаб олинаяпти. Партия комитети ёш коммунистлар учун махсус мактаб ташкил этиб уларни сиёсий жиҳатдан чиниқтирмоқда, малакаларини оширмоқда. Тингловчилар машғулотларда актив иштирок этиб, КПСС Программаси ва Устави, партия XXVII съезди материалларини чуқур ўрганмоқдалар, ўзларини ўн иккинчи беш йилликда қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар деб билмоқдалар.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Ғалаба райони.**

(Боши 1-бетда).

# МУКОФОТ МУБОРАК!

### «ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Алексеев** Виктор Дмитрович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрен юк ташиш-транспорт бошқармаси электровоз катта машинисти.

**Анаров** Нурмат — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги «Подземгаз» станцияси бульдозер машинисти.

**Басаргин** Николай Александрович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9-шахта тозалаш забойи кон ишчиси.

**Ефремкин** Валентин Васильевич — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги марказий электромеханика устахонасининг электрообмоткачиси.

**Иванов** Анатолий Гаврилович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрен юк ташиш — транспорт бошқармаси слесарлар бригадири.

**Матаев** Карим — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9-шахта партия комитети секретари.

**Муратов** Зиёвуддин Назарович —«Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ангрен» разрези экскаватор машинисти.

**Мусина** Сабила Абдуловна — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ангрен» разрези конвейер машинисти.

**Поречин** Геннадий Игнатьевич — «Союзуглегеология»нинг «Средазуглеразведка» Ўрта Осиё геология-қидирув экспедициясининг бурғулаш мастери.

**Шейн** Виктор Альбертович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

### «МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Азаматов** Ремзи —«Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрен юк ташиш — транспорт бошқармаси йўл монтёрлари бригадири.

**Аҳмеров** Собит — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ангрен» разрези бурғулаш станоги машинисти.

**Ганеев** Николай Сиблатулович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрен юк ташиш-транспорт бошқармаси электровоз машинисти.

**Исмадов** Матиброҳим Ашурович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги марказий электромеханика устахонасининг токари.

**Каспер** Андрей Генрихович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги автобазаси автомобиль ҳайдовчилари бригадири.

**Келлер** Георгий Филиппович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ангрен» разрези экскаватор машинисти.

**Кучеров** Владимир Николаевич — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9-шахта электр слесари.

**Ли** Илья Алексеевич — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9-шахта тозалаш забойи кони ишчиси.

**Лобузова** Валентина Александровна — «Союзуглегеология»нинг «Средазуглеразведка» Ўрта Осиё геология-қидирув экспедицияси геофизика инженери.

**Молчанова** Валентина Афанасьевна — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ангрен» разрези машинисти.

**Скрипник** Степан Ильич— «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги шахта қурилиш-монтаж бошқармаси йўл монтёри.

**Сухов** Валерий Леонидович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрен юк ташиш-транспорт бошқармаси электровоз катта машинисти.

**Ҳамдамов** Фаҳриддин Омонбоевич — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9-шахта портлатувчилар мастери.

**Шанмов** Собиржон Расулович — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Горняк» совхози директори.

**Эсонов** Акбарали — «Союзуглегеология»нинг «Средазуглеразведка» Ўрта Осиё геология-қидирув экспедицияси автомобиль ҳайдовчиси.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва. Кремль.
29 апрель 1986 йил.



ОЛИМЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА

## ҒЎЗА УЧУН ВАКЦИНА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари ғўзада вилтга қарши сунъий иммунитет ҳосил қилиш вазифасини ҳал этдилар.

Бу хавфли касаллик ҳар йили дунёда пахта ҳосилининг анчагина қисмини нобуд қилади. Анъанага мувофиқ экинзорлар алмашлаб экиш йўли билан вилтдан даволанади. Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ривожланиб, даволашнинг бу усулига пестицидлар қўшилди. Лекин касалликни қўзғатувчи замбуруғ жуда бардошли бўлиб чиқди.

— Эволюция жараёнида ўсимликларда иммунитет системаси ҳосил бўлгандир. Нега бу система ўзини кўрсатмаяпти? —биология фанлари доктори Н. Х. Авазхўжаев ана шу ҳақда ўйланиб қолди. Бунинг устига ғўза фитоалексин деган модда ёрдамида ўзини-ўзи ҳимоя қилиши кўпдан маълум.

Тажрибалар вилт замбуруғи унча сезилмайдиган, лекин муҳим бир вазиятдан жуда эпчиллик билан фойдаланиб қолганлигини кўрсатди. Маълум бўлишича, ўсимликнинг мудофаа системасини унга ҳужум қилувчи замбуруғнинг ўзи ишга солар экан. Гап шундаки, соғлом ғўзада фитоалексинлар йўқ. Ғўза вилт билан зарарланганидан кейингина унда ана шу модда синтез бўла бошлайди. Аммо замбуруғ ана шу синтез йўлларини тўсиб қўяр экан.

Эндиликда, ҳодисанинг механизми тушиниб етилгандан кейин, иммунитетларни ишга солишнинг йўли топилди: иммунитет системасини касаллик бошланмасдан олдин ишга солиш лозим. Фитоалексинларнинг озгина миқдори ҳам дастлабки пайтларда вируснинг ҳужумини тўхтатиб туради, кейинчалик эса ўсимликнинг ўзи бундай моддани кўпроқ ишлаб чиқара бошлайди.

СССР Фанлар академияси Бошқирдистон филиалининг химия институти ходимлари ёрдамида ўсимликда ана шу реакцияни бошлаб берадиган модда топилди. Ўтган йили янги препарат Хоразм областининг Боғот районидаги Ленин номли колхоз далаларида синаб кўрилди ва натижа чакки бўлмади. Ҳар гектар ерга солинган 300 грамм кукун ғўзанинг вилт билан касалланишини икки баравар камайтирди. Ҳосилдорлик бир неча центнер ошди. Қиёслаш учун шуни айтиш мумкинки, вилт билан зарарланган ҳар гектар экинзорга ҳозир 19 килограмм химикат сарфланади.

Олим бу йил дала шароитида синовларни давом эттиради. Бундай синовлар республиканинг барча тупроқ-иқлим зоналарида олиб борилади.

**Ю. БОНДАРЕНКО,**
**(ЎзТАГ мухбири).**

**Суратда: (чапдан) ғўзанинг молекуляр генетикаси лабораторияси мудири Ш. Орифжонов ва илмий ходим Н. Музиченко тадқиқот натижаларини кўздан кечиришмоқда.**

**В. Сироткин** фотоси.

# ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИ ВА СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ СИСТЕМАСИ

МАМЛАКАТНИНГ социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш КПСС XXVII съезди барча ҳужжатлари ва материалларидаги бош масала бўлди. Чунки бу йўл ҳам яқин келажакдаги, ҳам истиқболдаги иқтисодий ва социал, ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги проблемаларимизни муваффақиятли ҳал этиш калитидир.

Жадаллаштириш —съездда уқтириб ўтилганидек, аввало иқтисодий ўсиш суръатларини оширишдир. Аммо унинг асл моҳияти кескин сифат ўзгаришларига эришишда. Жадаллаштириш йўлини муваффақиятли амалга ошириш иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосий марраларига эришиш имконини беради.

2000 йилга қадар асосий иқтисодий кўрсаткич ҳисобланган миллий даромад қарийб икки баравар кўпайиб, ишлаб чиқариш потенциали икки ҳисса ортади. Шуниси диққатга сазоворки, бу ўсишга сифат кўрсаткичлари орқали эришилади. Социал сиёсат масалалари, инсон ҳақида, халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик съезд ишининг диққат марказида турганлиги бежиз эмас. Партия XXVII съезди социал соҳа эҳтиёжлари томон кескин бурилишни таъминлаш, экономиканинг социал йўналишини кучайтириш орқали халқ фаровонлигини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш йўлини белгилади.

Ўн иккинчи беш йилликда ва аср охиригача бўлган даврда социал ривожланиш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш программаси халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини янада тўла қондиришни, социалистик турмуш тарзини изчиллик билан ривожлантиришни назарда тутади. Келгуси 15 йил мобайнида совет халқи турмуш шароитини яхшилашга сарфланадиган ресурслар ҳажмини икки ҳисса ошириш мўлжалланган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 1,6—1,8 баравар ошириладн.

Иқтисодий-социал тараққиётни жадаллаштириш юзасидан партиямиз ишлаб чиққан программа социал таъминот системасининг ривожланишини ҳам ўз ичига олади. Жадаллаштиришнинг бутун халқ маъқуллаб кутиб олган мана шу бош стратегик йўли социал таъминот системаси фаолиятини янги, янада юксакроқ даражага кўтаришни, социал таъминот органлари барча ташкилотлари ишини анча яхшилашни зарур қилиб қўйди. Чунки, социал тамъинот системаси органларида ишлаётган ходимлар меҳнати мураккаблашиб, уларнинг бажарадиган ишлари тобора кўп қиррали бўлиб бормоқда. Бу энг аввало, пенсия ёшидаги кишилар сонининг ўсиб бораётганлиги, уларга кўрсатиладиган ёрдам кенгайиб бораётганлиги, пенсия миқдорининг ўсаётганлиги, пенсионерларнинг уй-жой, маиший ва социал-маданий шароитларининг яхшиланаётганлиги, уларга бўлган эътиборнинг кучаяётганлиги ва бошқа жараёнлар билан боғлиқдир.

1986 йилга келиб Тошкент областида социал таъминот хизматларидан фойдаланаётган кишилар сони 236 мингдан ошиб кетди. Шулардан 103,6 минг киши давлат пенсияси, 74,4 минг киши колхоз пенсияси, 58 минг киши давлат нафақаси олиб турибди. Пенсионерлар, уруш ва меҳнат инвалидлари, кўп болали оналарга тўланаётган пенсия ва нафақаларга сарфланаётган маблағлар 1980 йилда 11 миллион сўм бўлса, 1986 йил бошига келиб 16 миллион сўмдан ошди.

Областда уруш инвалидларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу ғамхўрлик фақат улар оладиган пенсия миқдорининг оширилишида эмас, балки уларга махсус транспорт воситалари, санаторий-курортларга имтиёзли путёвкалар бериш, дори-дармонларни врач рецепти билан пулсиз олиш, шаҳар ички транспортларида бепул юриш ва бошқа қулайликларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. 1985 йили область бўйича 144 уруш инвалидига ва боқувчисини йўқотган оилага уй берилди, 377 инвалиднинг уйи ремонтдан чиқарилди, 1644 инвалид санаторий-курортларда даволаниб, дам олиб қайтди, 237 инвалидга автотранспорт берилди, 471 инвалид уйига телефон ўрнатилди.

Ўн иккинчи беш йилликда ва умуман яқин 15 йил мобайнида социал таъминот системаси янада яхшиланади. КПСС XXVII съезди материалларида пенсия таъминоти системасини такомиллаштириш, бу мақсадлар учун катта маблағлар ажратиш мўлжалланган. КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида айтилганидек «Партия, Совет давлати ижтимоий бойлик ортиб бориши билан бирга пенсионерларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилади».

Пенсия таъминоти системасининг такомиллашуви пенсия минимал миқдорини ошириш, ишчилар ва хизматчилар, колхозчилар социал таъминоти шартлари ва даражаларини аста-секин яқинлаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади. Ўн иккинчи беш йилликда қарилик, инвалидлик учун ҳамда боқувчиси бўлмаган ишчи ва хизматчиларга бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорини, шунингдек колхозчиларнинг илгари тайинланган пенсияларини ошириш кўзда тутилмоқда.

Пенсионерларга социал-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Социал таъминот системасини такомиллаштириш ҳақида фикр юритар эканмиз, ўзимизнинг айрим фикр-мулоҳазаларимизни ҳам баён этмоқчимиз. Бир қатор қардош республикалардаги, масалан Эстония ССРда, РСФСРнинг бир неча областларида ёлғиз кекса кишиларга ва меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганларга уларнинг уйларида савдо, умумий овқатланиш, маиший ва соғлиқни сақлаш корхоналари томонидан хизмат кўрсатишни уюштириш тажрибасини ҳам ўрганиб, бизнинг шароитимизда фойдаланиш масаласини йўлга қўйиш вақти келди. Бундан ташқари кекса ва меҳнат қобилиятини йўқотган кишиларга оила аъзолари уйда йўқ пайтларида (отпуска, командировка ва ҳоказо) вақтинча ғамхўрлик кўрсатиш масалаларини ҳам ўйлаб кўриш керак, деб ҳисоблаймиз.

**Т. ЗИЁЕВ,**
**Н. УСМОНОВ,**
**иқтисод фанлари кандидатлари.**

ИЖРОКОМ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛАМИЗ

# ТУБ БУРИЛИШ ҚАЧОН БЎЛАДИ?

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛМАЛИҚ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ШАҲАРНИ СОЦИАЛ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШИНИ ҚОНИҚАРСИЗ ОЛИБ БОРМОҚДА

УЛУҒБЕК кўчасидаги 9-уйнинг подвалига сув тошиб кетди. Бундан хавотирланган яшовчилар турар-жойлардан фойдаланиш участкаси раҳбарларига мурожаат қилишди. Аммо улардан ҳадеганда нажот бўлавермагач, юқори ташкилотлардан ёрдам сўрашга мажбур бўлдилар. Аниқроқ қилиб айтганда, шу уйда яшовчи Улуғ Ватан уруши инвалиди Г. И. Фатхуддинов қўни-қўшнилар номидан шаҳар Совети ижроия комитетига хат йўллади.

Қизиғи шундаки, шу бир хат баҳонасида шаҳар ижрокоми билан хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатда назоратсизлик, топширилган ишга нисбатан масъулият ҳис қилмаслик, сансалорлик каби жиддий нуқсонлар борлиги маълум бўлиб қолди. Масалан, турар-жой хўжалиги тресги 9-уй подвалига сув тошиши тўхтатилганлиги ҳақида ижрокомга кетма-кет уч марта қалбаки жавоб ёзиб жўнатди. Ижроком ҳам ҳар сафар жавобнинг сохта эканлиги маълум бўлгач, навбатдагисини яъни тўғри жавобни ҳеч шошилмай, хотиржамлик билан ойлаб кутаверди. Ниҳоят юқори ташкилотларнинг ўзи бу масалага аралашгач, 9-уйда яшовчиларнинг ҳақли талаблари қондирилди.

Аммо шуниси ачинарлики, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига нисбатан бундай ўта бефарқ, бюрократларча муносабат фақат шунинг ўзи эмас. Шаҳар аҳолисининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган, уларни қаттиқ ранжитаётган бундай боқибеғамлик, ўзибўларчиликка фақат 1-турар-жойлардан фойдаланиш участкасининг ўзидан жуда кўп мисол келтириш мумкин. Бу ерда меҳнаткашларнинг хатлари умуман рўйхатдан ўтказилмайди, ҳисоб юритилмайди. Бу турар-жой хўжалиги тресги ва шаҳар ижроия комитети гражданлардан тушаётган талаб-истакларнинг бажарилиши устидан бутунлай назорат қилмай қўйганлиги оқибатидир.

Меҳнаткашларнинг хатларига эътиборсизлик шу даражага етдики, ариза ва шикоятлар камайиш ўрнига йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили аввалги йилдагига нисбатан 157 та кўп хат тушди. Бундай шикоят хатларининг аксарият кўп қисми турар-жой-коммунал хизмати тармоқларидаги камчилик ва нуқсонларга тааллуқлидир.

Тўғри, хизмат соҳаларига оид масалалар ижроия комитет ва доимий комиссияларнинг мажлисларида мунтазам муҳокама қилиб борилади, қарорлар қабул қилинади. Аммо, афсуски, сўз ва иш бирлигига эришилмайди, қарорлар амалга оширилмай, қоғозларда қолиб кетаверади. Бизнингча, иллатнинг боши ҳам худди шунда.

Йиллар давомида у қарордан бу қарорга кўчирилиб, алоҳида таъкидлаб, кўрсатилиб келинган камчиликлар, нуқсонлар, хатолар бирор марта лозим даражада талабчанлик билан таҳлил қилинмади. Бундай аҳволнинг айбдорлари эса ҳар сафар турли хил қалбаки баҳоналарни рўкач қилиб, жиддий танқиддан қутилиб қолаверадилар.

Фактларга мурожаат қилайлик. Шаҳар ижроия комитети мажлисларида аҳолига коммунал хизмати кўрсатишни яхшилаш масаласи кейинги 2 йилнинг ўзида 8 марта кўриб чиқилди. Лекин тармоқдаги аҳволни яхшилаш, зарур тартибни ўрнатиш юзасидан амалий иш қилингани йўқ.

Шаҳарда сув таъминоти ҳам ёмон аҳволда. Уйларнинг 3—4-қаватларида сув ва иссиқлик етишмаётганлиги ҳақида гражданларнинг шикоятлари кўпайиб кетяпти. Ижроком эса соатига 200 гекокаллорий иссиқлик чиқариб берадиган қозонхона қурилиши масаласини бир неча йилдан бери ҳал қилолмай, чўзиб келаётир.

Уй-жойларни ремонт қилиш графигининг сурункасига бузилаётгани устига, ремонтчиларнинг қўл учида ишлашлари гражданларни айниқса ранжитмоқда. Шаҳар ижроия комитети эса ҳамон аввалгидек лоқайд, хотиржам. Масалан, у ўтган йили шу масала юзасидан 41-ремонт-қурилиш бошқармасига 7 марта кўрсатма берди-ю, шу билан хотиржам қолаверди. Оқибатда бу кўрсатмаларнинг бирортаси ҳам амалга ошмади.

Ижроком шаҳарни иқтисодий-социал ривожлантиришга қаратилган барча ташкилий-оммавий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Аммо, эътироф этиш кераккн, ижроком ўз мажлисларини канда қилмай мунтазам ўтказиб боради. Масалан ўтган йилдаги мажлисларнинг ўзида 560 дан зиёд масала тингланди. Бироқ масалалар шунчаки тинглангани билан иш битмайди-ку ахир? Уларни ҳар томонлама чуқур муҳокама қилиш, камчиликларни тузатишнинг конкрет йўлларини белгилаш ва охирига етказиш керак. Йўқ, ижрокомда бундай принципиаллик етишмайди. Мажлисларда кўриладиган масалаларнинг кўпи жойлардаги аҳвол чуқур ўрганилмай, наридан-бери тайёрланади. Бу муҳим ишга тармоқ доимий комиссиялари деярли жалб этилмайди. Ижроком эса тайёрланган справканинг мазмунини, баъзи таклифларни шундайлигича кўчириб олиб, мажлис муҳокамасига қўяверади.

Бундай юзаки мажлислардан, унинг қўша-қўша қарорларидан нимани ҳам кутиш мумкин? Бу саволга «ҳеч нимани», деб жавоб бериш учун мисоллар етарли. Биринчидан, қарорлар аниқ бир мақсадга қаратилмай, эски қолипда ёзилади, уларда жойлардаги аҳволни тузатиш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатилмайди. Иккинчидан, уларнинг ижроси назорат қилиб борилмайди, натижа нима билан тугагани сўраб-суриштириб ўтирилмай, контролдан чиқариб ташланади.

Ижроком фақат ўз қарорларини эмас, балки директив органларнинг қарор ва кўрсатмаларига ҳам эътиборсизлик билан расмиятчилик муносабатида бўлади. Жумладан, область ижроия комитети аппаратлар, бўлим ва бошқармалар, шаҳар ва район ижроия комитетлари иш услуби ва методларини янада такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг ижроком раиси шу соҳадаги аҳвол юзасидан материаллар тўплаб, мажлисда кўриб чиқиш учун бу ҳақда масала тайёрлашни ижрокомнинг масъул секретарига топширган эди. Аммо бу кўрсатма бажарилмай қолиб кетди.

Область ижроия комитетининг корхона ва ташкилотларда меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонуннинг тўла амал қилишини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмасини бажариш у ёқда турсин, ҳатто унга эътибор ҳам берилмади. Тўғри, орадан бир ярим ой вақт ўтгач, ижроком шу ҳақда ўз қарорини қабул қилди. Аммо ижроси назорат қилиб борилмай, тез вақт ичида контролдан олиб ташланган, фақат қоғоздагина яшайдиган бундай қарорлардан нима фойда?

Энди мана бу рақамларнинг мағзини чақиб кўрайлик. Шаҳар ижроия комитети 1985 йилнинг ўзида область ижроия комитетининг 144 та қарорини қабул қилиб олди. Шундан бор-йўғи 20 тасигина ижроком мажлисида кўриб чиқилди, холос. Лекин расмийлаштирилган ҳужжатларни кўздан кечирсангиз бу иш ҳам фақат хўжакўрсинга қилинганлиги маълум бўлади. Акс ҳолда ўша 20 та қарордан 15 таси орадан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнггина кўриб чиқилганлигини нима деб таърифлаш, қандай баҳолаш мумкин?

Масала равшан, аҳвол маълум, хулоса аниқ: халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети хўжалик ва маданий қурилишга ҳар томонлама мукаммал раҳбарлик қила олмаяпти. Биринчидан, ижрокомнинг кундалик фаолиятида қуруқ расмиятчилик одати сақланиб қолмоқда. Раҳбарлардан тортиб, ходимларда ҳам ишда ғайрат, дадиллик, муқимлик етишмайди, зарур масалаларда принципиаллик йўқ.

«...Советларнинг қарорлар қабул қиладиган органларгина бўлиб қолмай, уларнинг амалга оширилишини ташкил этадиган, ижросини текширишни таъминлайдиган орган...» эканлиги КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида аниқ таърифлаб берилган. Олмалиқ шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарлари партиянинг бу кўрсатмасига оғишмай амал қилиб, ишда туб бурилиш ясашлари лозим.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

